



## NORMATIV-HUQUQIY HUJJATLAR LOYIHASINI ISHLAB CHIQISH VA KELISHISHNING YAGONA ELEKTRON TIZIMI

ID-10134 (V-3)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарори  
**Техникум ўқувчилари учун “Work and travel” халқаро  
дастурлари орқали ишлаш ва саёҳат қилиш мақсадида  
хорижий давлатларга бориш ва келиш билан боғлиқ  
харажатлар учун ссуда ажратиш тартибини жорий этиш  
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон ёшлари–2030” стратегиясини 2026–2027 йилларда амалга ошириш ҳамда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги 2026 йил 20 апрелдаги ПҚ–148-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда техникум ўқувчиларини халқаро меҳнат бозорида рақобатбардошлигини ошириш хорижий тилларни амалий ўрганиши, замонавий касбий кўникмаларини эгаллаши ҳамда вақтинчалик меҳнат фаолияти орқали бандлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Миграция агентлигининг қуйидаги:

**2026/2027 ўқув йилидан бошлаб** техникумларнинг ўрта ва ўрта махсус касбий таълим дастурларида таълим олаётган ўқувчилар учун “Work and travel” халқаро дастурлари доирасида хорижий давлатларда (Буюк Британия, АҚШ, Канада, Европа иттифоқи давлатлари, Жанубий Корея, Хитой ва Япония) ишлаш ва саёҳат қилиш;

★ Baholash

техникум ўқувчилари учун **“Work and travel” халқаро дастурлари** доирасида хорижий давлатларда ишлаш ва саёҳат қилиш учун ўшбу давлатларга бориш ва келиш ҳамда бошқа харажатларни **аш** мақсадида ўқувчиларга **ссуда** (кейинги ўринларда – ссуда) ажратиш,

Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ҳар йили **500 нафаргача** ўқувчиларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **40 баравари миқдорида** ссуда ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

техникум ўқувчиларига ссуда ажратиш ҳақидаги аризалар давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали қабул қилинади;

ўқувчилар ажратилган ссудани ишлаш ва саёҳат қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи визада қайд этилган хорижий давлатда бўлишнинг сўнгги санасидан бошлаб бир ой муддатда Ёшлар ишлари агентлигига тўлиқ қайтариш мажбуриятини олади.

3. “Work and travel” халқаро дастурларида иштирок этувчи техникум ўқувчиларининг ишлаш ва саёҳат қилиш мақсадида хорижий давлатларга бориши ва келиши билан боғлиқ харажатлар учун ссуда ажратиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг **маъмурий регламенти** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим агентлиги **2026 йил 1 октябрга қадар:**

а) Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда:

ссуда ажратиш бўйича давлат хизматлари ЯИДХП орқали кўрсатилишини таъминласин;

ЯИДХПда ссуда ажратиш бўйича давлат хизматлари кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш тартибини жорий этсин;

б) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда ўз маблағи ҳисобидан “Ёшлар хизматлари реестри” ахборот тизимида ссуда ажратиш ҳақида ариза берувчиларнинг электрон реестрини юритиш модулини яратиш ҳамда ушбу давлат хизматини ЯИДХП билан интеграция қилиш чораларини кўрсин.

5. Рақамли технологиялар вазирлиги 2026 йил 1 октябрга қадар қуйидаги маълумотлар ЯИДХП билан интеграция қилинишини таъминласин:

а) Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда жисмоний шахсларнинг доимий яшаш манзили маълумотлари ҳамда жисмоний шахсларнинг паспорт маълумотлари (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, паспорт серияси ва рақами, жинси ва жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами);

б) Касбий таълим агентлиги билан биргаликда:

“Касбий таълим жараёнларини бошқариш - EMIS PT” ахборот тизимидаги ўқувчи таълим олаётган техникум номи;

техникумнинг манзили, унинг коди ва эгалик тури;

касб ва мутахассислик йўналиши (йўналиш коди ва номи);

босқичи (курс);

таълим шакли (кундузги, дуал ва кечки);

ўқувчининг статус маълумоти (ўқиётганлиги ёки бошқа) ҳамда баҳолари.

6. Миграция агентлиги:

ҳар йили 1 январга қадар “Work and travel” халқаро дастурларида иштирок этувчи иш берувчилар рўйхатини шакллантирсин ҳамда [xorijdaish.uz](http://xorijdaish.uz) платформасига жойлаштириб борсин.

ҳар йили 1 мартга қадар “Work and travel” халқаро дастурлари доирасида хорижий давлатларда ишлаш ва саёҳат қилиш учун хорижий иш берувчилар билан ҳамкорлик шартномаларини имзолаш чораларини кўрсин.

7. Белгилансинки, сунда Ёшлар ишлари агентлигига республика бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ажратилади.

8. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги директори А.З. Саъдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. Арипов**



**“Work and travel” халқаро дастурларида иштирок этувчи  
техникум ўқувчиларининг ишлаш ва саёҳат қилиш мақсадида  
хорижий давлатларга бориши ва келиши билан боғлиқ  
харажатлар учун ссуда ажратиш бўйича давлат хизматларини  
кўрсатишнинг**

## **МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Регламент Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Work and travel” халқаро дастурларида (кейинги ўринларда – “Work and travel” дастури) иштирок этувчи техникум ўқувчиларининг ишлаш ва саёҳат қилиш мақсадида хорижий давлатларга бориши ва келиши билан боғлиқ харажатлар учун фоиизсиз ссуда (кейинги ўринларда – ссуда) ажратиш бўйича давлат хизматини кўрсатиш тартибини белгилайди.

Мазкур Регламент қоидалари нодавлат касбий таълим ташкилотлари учун татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ариза берувчи (ссуда олувчи) – 16 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган, Ўзбекистон Республикасидаги техникумда кундузги, кечки (сменали) ёки дуал таълим шакли бўйича таҳсил олаётган (битирувчи курс талабалари бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган, “Work and travel” дастури доирасида ишлаш ва саёҳат қилиш учун хорижий давлатга бориш ва келиш билан боғлиқ харажат учун ссуда ажратишни сўраб белгиланган тартибда мурожаат қилган жисмоний шахс;

ваколатли орган – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги;

виза – ариза берувчи “Work and travel” дастури доирасида ишлаш ва саёҳат қилиш истагида бўлган хорижий давлатнинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасидан олинган, маълум муддат давомида ўша давлатда ишлаш ва саёҳат қилиш учун берилган ҳужжат;

ссуда – “Work and travel” дастури доирасида хорижий давлатга бориш ва келиш учун авиачипта харид қилиш ва бошқа харажатларни қоплаш мақсадида базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари миқдорида ариза берувчи томонидан қайтариш шарти билан ажратиладиган қарз;

Қарз шартномаси – ссуда олувчи ва ссуда берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ссуда миқдори, ссуда муддати, уни қайтариш шартлари, кафиллик шартлари (агар кафил иштирок этса), низоларни ҳал қилиш тартиби ва бошқа шартларни белгиловчи ҳуқуқий ҳужжат.

3. Ссуда ҳар йили аризалар топшириш кетма-кетлиги бўйича мазкур Регламент талабларига тўлиқ мос келган 500 нафаргача техникум ўқувчиларига ажратилади.

Бир календарь йил давомида 500 нафар ариза берувчига ссуда ажратиш маъқуллангандан сўнг ссуда ажратиш учун ариза қабул қилиш тўхтатилади.

Ссуда ажратилгунга қадар, бироқ кетма-кетлиги бўйича ссуда ажратилган ариза берувчилардан кейин ариза топширган шахслар кейинги йил учун рўйхатга қўйилмайди ҳамда ссуда олиш учун келгуси йилда қайтадан мурожаат қилади.

Ссуда ажратиш маъқулланган мурожаатлар ҳамда ажратилган ссудалар сони ҳақидаги маълумотлар ваколатли органнинг расмий веб-сайтида доимий равишда эълон қилиб борилади.

4. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўртасидаги электрон давлат хизматларини кўрсатиш доирасида ахборот алмашинуви Электрон ҳукуматнинг идоралараро маълумотлар узатиш тасмофи орқали амалга оширилади.

5. Ссуда ажратиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш учун ваколатли орган томонидан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда малакали мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Бунда ушбу мутахассислар томонидан аризаларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва асоссиз рад этилмаслиги ваколатли орган томонидан доимий назорат қилиб борилади.

## **2-боб. Ссуда ажратиш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш тартиби**

6. Ссуда ажратиш бўйича давлат хизмати мазкур Регламентга 1-иловага мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

7. Ариза берувчи ссуда олиш учун исталган давлат хизматлари марказига мурожаат қилади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда — ЯИДХП) давлат хизматидан электрон шаклда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади ва оммавий оферта шартларини қабул қилади.

8. Ариза берувчи мазкур Регламентга 2-иловага мувофиқ сўровномани электрон шаклда тўлдиради. Бунда:

а) ариза берувчининг мурожаатига оид қуйидаги маълумотлар автоматик тарзда аниқланади:

шахсига доир маълумотлар – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Миграция ва персоналлаштириш департаментининг электрон ахборот тизими орқали;

доимий яшаш манзили – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг манзил-маълумот электрон ахборот тизими орқали;

ариза берувчининг техникум ўқувчиси эканлиги – Касбий таълим агентлигининг “Касбий таълим жараёнларини бошқариш - EMIS PT” ахборот тизими орқали. Агар техникум маълумотлари ушбу ахборот тизимида мавжуд бўлмаса, ариза берувчи техникумда кундузги, кечки (сменали) ва дуал таълим шакли бўйича таълим олаётгани тўғрисида ссуда ажратиш ҳақидаги мурожаат қилинган кундан 10 кун илгари

кундан ошмаган санада берилган маълумотномани электрон шаклда (pdf форматда) илова қилади;

агар ариза берувчига кафил бўлувчи жисмоний шахс кафил бўлаётган бўлса, тақдим этилган унинг маълумотлари сўнгги 12 ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар – “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали;

б) ариза берувчи қуйидаги ҳужжатларни илова қилади:

“Work and travel” дастури мавжуд бўлган хорижий давлатдаги иш берувчи билан ариза берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси (pdf форматда);

ариза берувчи томонидан ссуда қайтарилмаган ҳолларда, ушбу маблағларни қайтариш мажбуриятини ўз зиммасига олувчи кафил жисмоний шахснинг қарз шартномаси бўйича кафил бўлишга розилик аризаси (pdf форматда) – агар мавжуд бўлса;

виза (pdf форматда).

Кафил жисмоний шахснинг ЯИДХП орқали олинган сўнгги 12 ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумот “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали мустақил равишда олинади. Мазкур маълумот “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали аниқланмаган ҳолларда илова қилинади.

Агар кафил бўлувчи шахснинг маълумотлари тақдим этилмаган бўлса, ариза берувчи ссудани қайтармаслик хавфини суғурта қилиш бўйича суғурта ташкилоти томонидан бериладиган суғурта полисини тақдим этиши ҳақида ЯИДХП орқали маълумот киритади.

Ариза берувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига ариза берувчи жавобгар ҳисобланади.

9. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишда қўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза

берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг муурожаати кўрилмасдан қолдирилади.

10. Паспортларда аризага айрим ҳужжатлар илова қилиниши лозимлиги кўрсатилиши мумкин. Илова қилинадиган ҳужжатлар PDF, PNG ёки JPEG форматда бўлиши керак.

11. Ариза берувчидан тегишли маълумотнома тури бўйича паспортларнинг 4-бандида кўрсатилмаган маълумотлар ва ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

12. Мазкур Регламентда назарда тутилган давлат хизмати бепул кўрсатилади.

13. Ушбу Регламентга мувофиқ ссуда ажратиш бўйича давлат хизматини кўрсатишда қуйидагилар иштирок этади:

а) давлат хизматлари маркази ариза берувчи келиб муурожаат этганда, унинг номидан муурожаатни ваколатли органга юборади;

б) ваколатли орган тақдим этилган ҳужжатларнинг келиб тушиш кетма-кетлиги бўйича **уч иш куни ичида** ариза берувчининг маълумотлари ва тақдим этган ҳужжатлари ушбу Регламентнинг 8-банди “а” ва “б” кичик бандларига мувофиқлигини ўрганади ва натижаси бўйича ЯИДХПга маълумот киритади. Бунда:

тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Регламентнинг 8-банди “а” ва “б” кичик бандлари талабларига мос келмаган тақдирда, ссуда ажратиш рад этилади ва ваколатли орган томонидан тегишли камчиликлар кўрсатилган ҳолда ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига маълумот киритилади ҳамда ариза берувчига бу ҳақида SMS-хабарнома юборилади;

тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга мос келган тақдирда, тегишли ҳудуддаги Ёшлар ишлари бошқармаси вакили, ариза берувчи ва кафил (агар суғурта полиси тақдим этилмаган бўлса) томонидан имзоланган, нотариал тартибда тасдиқланган қарз шартномаси ва кафиллик шартномасини **беш иш куни ичида** ЯИДХП орқали ваколатли органга электрон шаклда (pdf форматда) юбориши

Ҳақида ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига маълумот киритилади ва ариза берувчига бу Ҳақида SMS-хабарнома юборилади. Мазкур Қарз шартномасини тузиш билан боғлиқ барча харажатлар (давлат божи ва Қонунчилик Ҳужжатларида белгиланган бошқа тўловлар) ариза берувчи томонидан тўланади;

в) тегишли Ҳудуддаги Ёшлар ишлари бошқармаси вакили ариза берувчи томонидан тақдим этилган, унинг хорижга чиқиш биометрик паспортининг асл нусхасидаги виза маълумотларини ариза берувчи ссуда ажратиш Ҳақида ариза юборишда илова қилган виза маълумотлари билан солиштириш орқали ўрганади ҳамда ариза берувчининг виза маълумотлари Ҳаққоний бўлган тақдирда, шунингдек, агар ариза берувчи кафил бўлувчи шахснинг маълумотларини тақдим этмаган Ҳолатда ссудани Қайтармаслик хавфини суғурта қилиш бўйича суғурта ташкилоти томонидан бериладиган суғурта полисини тақдим этган тақдирда, Қарз шартномасини имзолайди;

агар ариза берувчининг виза маълумотлари Ҳаққоний бўлмаган тақдирда ёки агар ариза берувчи кафил бўлувчи шахснинг маълумотларини тақдим этмаган Ҳолатда ссудани Қайтармаслик хавфини суғурта қилиш бўйича суғурта ташкилоти томонидан бериладиган суғурта полисини тақдим этмаган тақдирда, Ёшлар ишлари бошқармаси вакили бу Ҳақида далолатнома расмийлаштириб, бир иш кунида ваколатли органнинг масъул ходимини хабардор қилади;

г) ариза берувчи тасдиқланган Қарз шартномасини ЯИДХП орқали электрон шаклда (pdf форматда) юборгандан сўнг ваколатли орган томонидан ссуда ажратилиши Ҳақида электрон шаклдаги QR-кодли маълумотнома ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига киритилади ва ариза берувчига бу Ҳақида SMS-хабарнома юборилади;

ариза берувчининг виза маълумотлари Ҳаққоний бўлмаган тақдирда, шунингдек, ариза берувчи тасдиқланган Қарз шартномасини ушбу банднинг “б” кичик бандида белгиланган муддатда юбормаса, ссуда ажратиш рад этилади ҳамда ваколатли орган томонидан тегишли камчиликлар кўрсатилган Ҳолда ариза берувчининг ЯИДХПдаги

кабинетига маълумот киритилади ва бу ҳақида ариза берувчига SMS-хабарнома юборилади.


### 3-боб. Ссуда ажратиш ва уни қайтариш тартиби

14. Ариза берувчига QR-кодли маълумотнома юборилгандан сўнг ваколатли орган **уч иш куни ичида** ссудани тегишли ҳудуддаги Ёшлар ишлари бошқармаси ҳисобварағига, Ёшлар ишлари бошқармаси эса **уч иш куни ичида** қарз шартномасида реквизитлари кўрсатилган ариза берувчининг банк картасига ўтказди.

15. Ариза берувчи хорижий давлатнинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси томонидан ариза берувчига берилган визада қайд этилган хорижий давлатда бўлишнинг сўнгги санасидан бошлаб **бир ой ичида**, агар ариза берувчи ажратилган ссуда ҳисобидан хорижий давлатга бормаган бўлса, унга ваколатли орган томонидан ссудани қайтариш ҳақида талабнома юборилган санадан бошлаб **ўн беш кун ичида** ажратилган ссудани қарз шартномасида кўрсатилган ваколатли органнинг тегишли шахсий Ғазна ҳисобварағига тўлиқ қайтариши шарт.

Ушбу маблағлар юқорида белгиланган муддатда қайтарилмаган ҳолларда тегишли ҳудуддаги Ёшлар ишлари бошқармаси ариза берувчига ва агар қарз шартномаси кафил томонидан имзоланган бўлса, унга ссудани **ўн беш календарь кундан кўп бўлмаган муддатда** қайтариш ҳақида нотариус орқали ёзма билдиришнома юборади.

16. Ариза берувчи ёки кафил жисмоний шахс томонидан ёзма билдиришнома талаблари бажарилмаганда, тегишли ҳудуддаги Ёшлар ишлари бошқармаси **икки иш куни ичида** муддати ўтган қарздорлик бўйича ижро хати ёзиб беришни сўраб нотариусга мурожаат қилади ҳамда ижро хатини ёзиб берганлик учун Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан давлат божини тўлайди.

17. Нотариус томонидан бир иш куни ичида ёзиб берилган ижро хати ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (кейинги ўринларда – Мажбурий ижро бюроси)  ий бўлинмасига тақдим этилади.

18. Мажбурий ижро бюросининг Ҳудудий бўлинмаси белгиланган тартибда муддати ўтган Қарздорликни ундириш чораларини кўради.

19. Мажбурий ижро бюроси томонидан ундирувни амалга ошириш имкони бўлмаганда, агар ариза берувчи томонидан суғурта полиси тақдим этилган бўлса, Қарздорлик ушбу суғурта полисига асосан суғурта ташкилоти томонидан тўлаб берилади.

#### **4-боб. Яқунловчи Қоидалар**

20. Давлат хизматлари марказлари ва ваколатли орган ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган маълумотлар ва хулосалар сир сақланишини таъминлайди.

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг Ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари Регламент талаблари бажарилиши бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан давлат хизматларини кўрсатиш давомида, шу жумладан, ЯИДХП орқали, доимий назорат ва мониторингни амалга оширади.

22. Ариза берувчилар ваколатли органлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан Қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят Қилишлари мумкин.

23. Ушбу Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар Қонунчилик Ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.


“Work and travel” халқаро дастурларида иштирок этувчи техникум ўқувчиларининг ишлаш ва саёҳат Қилиш мақсадида хорижий давлатларга бориши ва келиши билан боғлиқ харажатлар учун ссуда ажратиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
1-илова

“Work and travel” халқаро дастурларида иштирок этувчи техникум ўқувчиларининг ишлаш ва саёҳат Қилиш мақсади

**хорижий давлатларга бориши ва келиши билан боғлиқ  
харажатлар учун ссуда ажратиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи	Ссуда ажратиш бўйича туман (шаҳар) давлат хизматлари маркази ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали мурожаат қилади.	Визада кўрсатилган хорижий давлатда бўлиш санаси бошланишига камида 20 календарь кун қолганда
2-босқич	Давлат хизматлари маркази ЯИДХП	Мурожаатни ва унга илова қилинган ҳужжатларни Ёшлар ишлари агентлигига юборади.	10 дақиқа ичида Автоматик тарзда
3-босқич	Ёшлар ишлари агентлиги	1. Тақдим этилган ҳужжатларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини ўрганади ҳамда мувофиқлиги аниқланганда, ариза берувчига тегишли ҳудуддаги Ёшлар ишлари бошқармаси вакили, ариза	3 иш куни ичида



		<p>берувчи ва кафил томонидан имзоланган, нотариал тартибда тасдиқланган қарз шартномасини 5 иш куни ичида ЯИДХП орқали электрон шаклда (pdf форматда) юбориш ҳақида ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига маълумот киритади ҳамда ариза берувчига бу ҳақида SMS-хабарнома юборади.</p> <p>2. Тақдим этилган ҳужжатлар белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаганда, ссуда ажратишни рад этади, ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига маълумот киритади ва ариза берувчига бу ҳақида SMS-хабарнома юборади.</p>	
4-босқич	1. Давлат хизматлари	QR-код қўйилган маълумотномани	Реактив режим 

	<p>маркази ходими</p> <p>2. Ариза берувчи</p>	<p>ариза берувчиларга тақдим этади.</p> <p>Ариза юборилган платформа орқали QR-код қўйилган маълумотномани юклаб олади.</p>	
5-босқич	Ариза берувчи	<p>Тасдиқланган қарз шартномасини ЯИДХП орқали электрон шаклда (pdf форматда) Ёшлар ишлари агентлигига юборади.</p>	5 иш куни ичида
6-босқич	Ёшлар ишлари агентлиги	<p>1. Ариза берувчининг виза маълумотлари ҳаққоний бўлмаганда, агар ариза берувчи кафил бўлувчи шахснинг маълумотларини тақдим этмаган ҳолатда ссудани қайтармаслик хавфини суғурта қилиш бўйича суғурта ташкилоти томонидан бериладиган суғурта полисини тақдим этмаганда, шунингдек, ариза</p>	1 иш куни ичида



		<p>берувчи тасдиҚланган Қарз шартномасини 5 иш куни ичида ЯИДХП орҚали электрон шаклда (pdf форматда) юбормаганда ссуда ажратишни рад этади, бу ҳаҚида ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига маълумот юборади ва ариза берувчига SMS-хабарнома юборади.</p> <p>2. Ариза берувчи тасдиҚланган Қарз шартномасини 5 иш кун ичида ЯИДХП орҚали электрон шаклда (pdf форматда) юборганда, унинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига ссуда ажратилиши ҳаҚида электрон шаклдаги QR-кодли маълумотнома юборади ва ариза берувчига бу ҳаҚида SMS-хабарнома юборади.</p>	
--	--	--	--



“Work and travel” халқаро дастурларида иштирок этувчи техникум ўқувчиларининг ишлаш ва саёҳат қилиш мақсадида хорижий давлатларга бориши ва келиши билан боғлиқ харажатлар учун ссуда ажратиш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
2-илова

“Work and travel” халқаро дастурларида иштирок этувчи техникум ўқувчиларининг ишлаш ва саёҳат қилиш мақсадида хорижий давлатларга бориши ва келиши билан боғлиқ харажатлар учун ссуда ажратиш бўйича  
**СЎРОВНОМА**

Ариза т/р	Қабул қилиш санаси	Қабул қилган шахс
–	–	–
<b>I. Ариза берувчи (ссуда оловчи) жисмоний шахс ҳақида маълумот:</b>		
1.1. Ф.И.О.:		(автоматик аниқланади)
1.2. Туғилган санаси:		(автоматик аниқланади)
1.3. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР):		(маълумот киритилади)
1.4. Телефон рақами:		(маълумот киритилади)
1.5. Яшаш жойи:		(автоматик аниқланади)
1.6. Техникум ўқувчиси эканлиги тўғрисида маълумот		(автоматик аниқланади)
1.7. “Work and travel” дастури мавжуд бўлган хорижий давлатдаги иш берувчи билан ариза берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси		(pdf форматда киритилади)
1.8. Ссудани қайтармаслик хавфини суғурта қилиш бўйича суғурта ташкилоти томонидан берилган суғурта полиси ( <i>ариза берувчига кафил бўлувчи жисмоний шахс ҳақидаги маълумот киритилмаганда, ушбу ҳужжат киритилади</i> )		(pdf форматда киритилади)
1.9. “Work and travel” дастури доирасида ариза берувчи ишлаш ва саёҳат қилиш истагида бўлган хорижий давлатнинг дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасидан олинган, маълум		(pdf форматда киритилади)

муддат давомида ўша давлатда ишлаш ва саёҳат қилиш учун берилган виза	
<b>II. Ариза берувчига кафил бўлувчи жисмоний шахс ҳақида маълумот:</b> (ссудани қайтармаслик хавфини суғурта қилиш бўйича суғурта полиси тақдим этилса, тўлдирилмайди)	
2.1. Ф.И.О.:	(автоматик аниқланади)
2.2. Туғилган санаси:	(автоматик аниқланади)
2.3. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР):	(маълумот киритилади)
2.4. Телефон рақами:	(маълумот киритилади)
2.5. Яшаш жойи:	(автоматик аниқланади)
2.6. Сўнгги 12 ойлик иш ҳақи тўғрисида маълумот	(автоматик аниқланади)
2.7. Қарз шартномаси бўйича кафил бўлишга розилик аризаси	(pdf форматда киритилади)
<b>III. Тақдим этилган I ва II бўлимлардаги ҳужжатлар мазкур Регламент талабларига мувофиқ бўлганда тақдим этилади:</b>	
3.1. Тегишли ҳудуддаги Ёшлар ишлари бошқармаси вакили, ариза берувчи ва кафил (агар суғурта полиси тақдим этилмаган бўлса) томонидан имзоланган, нотариал тартибда тасдиқланган Қарз шартномаси	(pdf форматда киритилади)

